(1892-йил, октабр, Кўкон - 1937-йил 3-октабр)

Давлат, сиёсат арбоби, тилшунос олим ва дипломат. Ўзига тўк козок оиласида дунёга келган. Кўкондаги рус-тузем мактаби (1905), савдо билим юртини (1913) тугатган. Москва савдо институтининг иктисод факултетида ўкиган (1913-16). 1-жахон уруши пайтида гарбий фронт (Минск якини)да Бутун Россия Земство иттифокининг йўрикчиси (1916). “Еркин дала” яширин ташкилоти рахбари (1916). Эсерлар партиясининг аъзоси (1918).
1918-19-йилларда Кўкондаги совет идораларида турли лавозимларда ишлади. Кейинчалик Туркистон АССР Маориф халк комиссари (1920), Туркистон АССР МИК раиси (1920-йил сентабр - 1921-йил август), Туркистон КП МК масъул котиби (1921-22). Туркистон МИК хузуридаги Киргиз (козок) бўлими раиси (1921-22). Туркистон “Кўшчи” уюшмасининг ташкилотчиларидан бири. Н. Тўракулов бу лавозимларда ишлаш жараёнида совет хокимияти ва болшевиклар партиясига садокатини намойиш килди. Т. Рискулов ва унинг тарафдорлари бўлган миллий коммунист рахбарлар фикрларига карши турди.
Туркистон мухторияти хукумати ва Фаргона водийсидаги истиклолчилик харакатига тўгри бахо бера олмади ва уларни йўкотиш тарафдори бўлди. Москвага чакириб олинди ва совет халклари Марказий нашриёти раиси лавозимига (1922-28) тайинланади. У мохир жоурналист ва публитсист хам эди. У ўз маколаларида асосан совет турмуш тарзининг афзалликларини кўрсатишга харакат килди.
1928-йилда Н. Тўракулов элчилик ишига жалб килинади ва СССРнинг Хижоз давлатидаги (хозирги Саудия Арабистони) Бош консули ва Мухтор элчиси вазифаларида ишлади (1928-1936). У Шарк халклари тарихи ва маданиятини яхши билганлиги учун ислом оламида шухрат козонди.
Н. Тўракулов Москва ва Ленинграддаги Шарк халклари институти илмий ходими ва проректори (1936-37) бўлиб хам ишлади.
У канчалик совет хукуматига, болшевиклар партиясига содик бўлмасин, мустабид тузумнинг конли катагонидан кутулиб кола олмади. 1937-йил 15-июнда камокка олинди ва отишга хукм килинди (1937-йил 3-октабр). 1958-йилда окланган.